

**ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ЎҚУВ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ  
ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ**

**Эсанбай Омонмуратович Бабаев**

Сирдарё вилояти Оқолтин тумани касб-ҳунар мактаби директори

**Асқаров Музаффар Шухратович**

Сирдарё вилояти касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармаси Бош мутахассиси

**Ўлжаева Ойсулук Тўйчиевна**

Оқолтин тумани

6-сонли мактаб директори

**Маъмуров Маъмир Маъмурович**

Оқолтин тумани

касб-ҳунар мактаби ишлаб чиқариш таълими  
бўйича директор ўринбосари

**Эгамов Умид Абдубанбобич**

Оқолтин тумани

касб-ҳунар мактаби ишлаб чиқариш таълими  
устаси

**Аннотация:** Мазкур мақолада бўлажак мутахассисларни тайёрлашда ўқувчиларни ўқитиш ва ўқитишнинг фаол методлари таълим олувчиларнинг ўқув ва ишлаб чиқариш фаоллигини рағбатлантирувчи метод ҳисобланиши кўрсатилган.

**Таянч Сўзлар:** Ёшлар, ўқувчилар, педагогик-психология, ўқув ва ишлаб чиқариш таълими, касб-ҳунар, самарадорлик, ўқув фаолияти, фаоллик, меҳнат фаолияти.

Ҳозирги пайтда дунё миқёсида рақобат қандай кескин тус олиб бораётганини ҳаммамиз кўриб турибмиз. Бу шиддатли рақобатга фақат замонавий илм фан, юқори технологиялар ва инноватция ютуқларини кенг жорий этиш орқали муносиб жавоб бера оламиз.

Дунёдаги ривожланган мамлакатлар ўз олдига нафақат маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва уларни бозорга олиб чиқишни, балки чуқур билим ва илмий ютуқларга асосланган инноватцион иқтисодиётга ўтиш вазифасини қўймоқда. Яъни ўз иқтисодиётини мавжуд табиий ресурсларни сарфлаш эвазига эмас, инноватцион маҳсулотлар яратиш, ўзлаштириш ва илғор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш орқали

ривожлантириш таррақиётининг асосий омилига айланмоқда.

Ўфил-қизларимизни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган замонавий касб-ҳунарларга ўргатиш, уларда тадбиркорлик кўникмалари ва меҳнатсеварлик фазилатларини шакллантириш ҳамда ташаббусларини рўёбга чиқариш, иш ва уй-жой билан таъминлашга устувор аҳамият қаратамиз. Буюк мутафаккир шоиримиз Мир Алишер Навоий ўз даврида ёшларга мурожаат қилиб, **“Қуёшлиқ истасанг, касби камол эт”**, дебёзганлар. Чиндан ҳам, одамларга қуёшдек беминнат нур таратишни, яхшилиқ қилишни истайдиган инсон камолотга интилиб, турли илм ва касб-ҳунарларни ўзлаштириши лозим.

Ўқув ва ишлаб чиқариш таълими самарадорлигини оширишнинг муҳим омилларидан бири – бу ўқитиш жараёнида бўлажак мутахассислар фаоллигини оширишдир.

Ўқитишнинг фаол методлари таълим олувчиларнинг ўқув ва ишлаб чиқариш фаоллигини рағбатлантирувчи методлар ҳисобланади. Бунда таълим асосан у ёки бу муаммони ечиш йўллари бўйича эркин фикр алмашишни назарда тутувчи диалог тарзида ташкил этилади. Суҳбат, мунозара, семинар, тренинг, иш ўйинлари ва бошқалар ўқитишнинг фаол методлари қаторига киради.

Ўқув фаолиятини фаоллаштириш – ўқитиш самарадорлигини ошириш ва уни жадаллаштиришга қаратилган амалий ишлар тизими. Бундай амалий ишлар учта йўналиш, яъни педагогик, ижтимоий психологик ва ижтимоий-иқтисодий йўналишлар бўйича амалга оширилади. Ишлаб чиқариш таълимининг фаол методлари таълим олувчилардан фаол фикрлашни, ижодкорликни талаб этади.

Ишлаб чиқариш таълимининг фаол методлари таълим олувчиларнинг ўз қобилиятини намоён этиши, меҳнат фаолиятини режалаштириш ва бошқариш, ишлаб чиқариш жараёнида йўл қўйилган хатоларни аниқлаш ва таҳлил этиш имконини беради. Мавзу моҳиятини тўла англаш учун “фаоллик”, “ўқув фаоллиги” ва “ишлаб чиқариш фаоллиги” тушунчаларининг мазмунини ойдинлаштириш тақозо этилади. “Педагогика фанидан изоҳли луғат” да таъкидланишча, фаоллик муайян қобилиятни ифодаладиган тушунча. Фаолликнинг асосий манбаи – эҳтиёжлар. Фаоллик инсоннинг “ўз кучига ишонил” қобилиятини билдиради. Инсонларни муайян тарзда ва муайян йўналишда ҳаракат қилишга ундайдиган эҳтиёжлар унинг фаоллиги манбаи ҳисобланади. Шунини таъкидлаш жоизки, фаолликни муайян қобилият эканлиги луғатда тўғри

этироф этилган. Бироқ мазкур тушунча моҳияти унда етарлича ёритиб берилмаган. Зеро, таърифда келтирилган “Ўз кучига ишониш” ибораси мавҳум ҳолатни ифодалайди. “Ўз кучи” ибораси орқали муаллифларнинг нимани назарда тутганлиги мавҳум бўлиб қолган.

Маълумки, “Ўз кучи” ибораси турли вазиятларда сўз юритилаётган ҳолат нуқтаи назаридан шахсга хос бўлган ақлий, руҳий ва жисмоний қувватни ифодалаш учун хизмат қилади. Шу сабабли “фаоллик” тушунчасини ифодалашда ақлий, руҳий ва жисмоний қувватни бирдек ифодалай оладиган умумий таъриф зарур.

Психологик – педагогик манбаларда “фаоллик” тушунчасининг моҳиятини очиб беришда айнан ана шу талаб инобатга олинади. Жумладан, “Катта психологик энциклопедия” (“Большая психологическая энциклопедия”) да “фаоллик” тушунчасига қуйдагича таъриф берилган: “Фаоллик – тирик мавжудот томонидан ихтиёрий хатти-ҳаракатларни содир этиш қобилиятини англатади”. Аммо шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, фаолик фақатгина хатти-ҳаракатларнинг ташкил этилишидагина кўзга ташланмайди.

Фаоллик тушунчаси баъзида муайян фаолият ёки жараёнга нисбатан ҳам қўлланилади.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати” да эса “фаоллик” тушунчаси таърифи мазмунида жадаллик, жонбозлик, ишчанлик ва таъсирчанликнинг намоён бўлишига эътибор қаратилган бўлиб, унинг меҳнат ва муайян фаолият жараёнида намоён бўлиши таъкидланади.

“Фаоллик – меҳнат фаолиятида ёки бирор хатти-ҳаракатдаги, иш жараёнидаги жадаллик, жонбозлик, ишчанлик, таъсирчанлик”.

Юқорида келтириб ўтилган таъриф фаоллик намоён бўладиган объектларни бевосита аниқлаш имконини беради. Шунга кўра, фаоллик юзага келадиган объектлар нуқтаи назаридан унинг моҳиятини қуйдагича ифодалаш мумкин:

Фаоллик шахснинг ижтимоий муносабатлар жараёнидаги иштироки, моддий борлиқни билишга бўлган интилиши, жисмоний камолоти, сифати, меҳнат ёки ишлаб чиқаришни ташкил этишга бўлган ёндашувидаражасини кўрсатади. Ана шу мақсадлардан келиб чиққан ҳолда, “ижтимоий фаоллик”, “жисмоний фаоллик”, “билиш фаоллиги”, “ўқув фаоллиги” (“таълимий фаоллик”) ҳамда “меҳнат (ишлаб чиқариш) фаоллиги” тарзида ишлатилади.

“Ўқув фаоллиги” тушунчаси педагогик манбаларда кенг қўлланилиб, у бевосита шахсининг таълим жараёнидаги иштирокини

белгилайди. Шунга кўра, ўқув фаоллиги – бу таълим олувчининг ўқув жараёнида ДТСда белгиланган билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш йўлида фаоллик кўрсатиши ҳисобланади.

Ўқувчиларнинг ўқув фаоллиги олий таълим муассасаларида изчил, узлуксиз ва тизимли ташкил этиладиган педагогик фаолият натижаси сифатида ҳам ифодаланади. Зеро, замонавий таълимга қўйиладиган ижтимоий талаблардан бири – бу таълим олувчиларнинг ўқув фаоллигини оширишдир. Жамиятда бозор иқтисодиёти муносабатлари қарор топган ҳозирги шароитда бўлажак мутахассисларнинг нафақат ўқув фаоллиги, балки ишлаб чиқариш фаоллиги ҳам муҳим аҳамият касб этади. Чунки, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида рўй бераётган тезкор ўзгаришлар бўлажак мутахассисларни уларга самарали мослашишга ундамоқда.

Ўқувчиларнинг ўқув ҳамда ишлаб чиқариш фаоллиги уларнинг касбий фаолиятига тайёр эканлигини англатади.


Умумий ҳолда ишлаб чиқариш фаоллиги – бу мутахассиснинг ўзи таълим олган соҳа бўйича ташкил этиладиган ишлаб чиқариш жараёнида кўрсатган жонбозлиги, ишчанлиги даражаси ҳисобланади.

Ёритиладиган мавзу нуқтаи назардан қараганда эса, ишлаб чиқариш фаоллиги – бу ўқувчиларнинг олий таълим муассасаларида касб таълим йўналиши бўйича ДТС талабларига мувофиқ ўзлаштирган назарий билимларини амалиётга самарали татбиқ этишидир.

Фаоллик ўқувчиларининг эгаллаган билимларини чуқурлаштириш, амалий кўникма ва малакаларини ишлаб чиқариш жараёнида янада мустаҳкамлаш борасидаги жонбозлиги ва ишчанликлари даражасини ифодалайди. Таълим ҳамда ишлаб чиқариш интеграцияси ўқувчиларнинг ўқув ва ишлаб чиқариш фаоллиги узвийлигини таъминлашга хизмат қилади. Ўқувчиларнинг назарий машғулотларда ўзлаштирган билимларини амалиётда бевосита қўллаш орқали амалий кўникма ҳамда малакаларини ривожлантиришга муваффақ бўладилар. Биз ўқувчиларнинг ўқув ва ишлаб чиқариш фаоллигини ошириш жараёни моделини ишлаб чиқдик. Моделнинг схематик кўриниши расмда тасвирланган.

Шундай қилиб ўқувчиларнинг ўқув ва ишлаб чиқариш фаоллиги гарчанд икки алоҳида жараённи ифодалагандек туюлса-да, бироқ улар яхлит ёки бир бутун жараённи акс эттиради. Бунда уларнинг ўзаро интеграцияси таъминланади. Ўқувчиларнинг ўқув ва ишлаб чиқариш фаоллиги, бир томондан, таълим самарадорлигини иккинчидан эса,

уни юзага келтиришга йўналтирилган педагогик фаолият натижасини ифодалайди. Бундан келиб чиқадики, таълим жараёнида ўқувчиларнинг ўқув ва ишлаб чиқариш фаоллиги бирлигини таъминлаш ўқитиш самарадорлигини оширишнинг муҳим омилларидан биридир.



**Расм. Ўқувчиларнинг ўқув ва ишлаб чиқариш фаоллигини шакллантириш жараёни модели**

**ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлис Мурожаатномаси ҳамда Ўзбекистон Ёшлари форумида сўзлаган нутқидан Иқтибослар “Тошкент” 2021

2. Ш.М.Мирзиёев. Янги Ўзбекистонда Эркин ва Фаровон яшайлик “Тошкент” 2021

3.Ш.М.Мирзиёев.Янги Ўзбекистон Таррақиёт стратегияси  
Ўзбекистон-Тошкент 2022

4.Н.С.Саидахмедов. Янги педагогик технологиялар Тошкент-“Молия”  
2023

5.Л.Муминова. Махсус психология.Тошкент. Ношир 2012

6.Э.Рахимов. Низомий номидаги ТДПУ нинг тадқиқотчиси. Касб-  
ҳунар таълими илмий-услубий журнали 2012